

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2025 йил март ойининг 26 куни жиноят ишлари бўйича Ромитан туман суди, суд биносида, очик суд мажлисида:

Раислик қилувчи З.Шаропов, судья ёрдамчиси Н.Комиловнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Ромитан туман прокурорининг катта ёрдамчиси Қ.Қличев, судланувчи Э.Вахобов ва унинг ҳимоячиси - адвокат К.Наврўзов ва жабрланувчи Б.Ҳамидовнинг иштирокида, Вахобов Эльбин Вахидовичга нисбатан 1-2002-2401/180-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Вахобов Эльбин Вахидович (Vaxobov Elbin Vaxidovich), 19.08.1977 йил Бухоро вилояти Бухоро шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, муқаддам судланган;

1. Жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг 2016 йил 4 мартдаги ажрими билан Ўзбекистон Республикаси ЖК 122-моддаси 1-қисми билан ЖК 66¹-моддаси тартибида ҳаракатдан тугатилган;
2. жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг 20.12.2020 йилдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 2-қисмининг “в” банди билан ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига сақлаб қолиш шarti билан 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланган, жиноят ишлари бўйича Жондор туман судининг 10.03.2021 йилдаги ажрими кўра, ЖКнинг 46-моддасига асосан тайинланган жазосининг ўталмай қолган 1 йил 7 ой 9 кунни шу муддатга озодликни чеклаш жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Жондор туман судининг 26.04.2021 йилдаги ажрими билан ЖКнинг 48¹-моддасига асосан тайинланган жазосининг ўталмай қолган 1 йил 6 ой 9 кунни шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Муборак туман судининг 28.09.2021 йилдаги ажрими билан ЖКнинг 74-моддасига асосан ўталмай қолган 1 йил 1 ой 16 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолиш шarti билан шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилиб, жиноят ишлари бўйича Жондор туман судининг 15.04.2022 йилдаги ажрими кўра, ЖКнинг 73-моддаси билан ўталмай қолган 8 ой 2 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган, оиласидан ажрашган, 2 нафар фарзанди бор, яқка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланади, Жондор тумани, “Мирзаён” МФЙ, Мирзаён қишлоғи, 60-уйда яшайди, унга нисбатан



“муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги” тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, жиноят ишлари бўйича Ромитан туман судининг 28.02.2025 йилдаги ажрими билан “муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги” тилхат эҳтиёт чораси “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чорасига ўзгартирилиб, қидирув эълон қилинган, 11.03.2025 йил ушланган, айблов хулосаси нусхасини 17.12.2024 йилда олган,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 169-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Э.Вахобов, 19.11.2024 йил соат 19:00 ларда спиртли ичимлик ичган маст ҳолатда Марказий деҳқон бозори олдида Бухоро тумани, “Шейхонча” МФЙ, Тор-тор маҳалла қишлоғи ҳудудида жойлашган “Ҳалол маркет” номли савдо дўкони олдида Ҳамидов Бахтиёр Ўлмасзоданинг бошқарувидаги давлат рақам белгиси 80X873СА бўлган оқ рангли “Матиз” русумли автомашинасида келиб, Б.Ҳамидов дорихонадан дори-дармон сотиб олиш мақсадида автомашина салонидан тушиб кетганлигидан фойдаланган ҳолда автомашинанинг ҳайдовчи ўриндиғининг олд юқори қисмидаги куёш нурларини тўсишга мўлжалланган казирок остида турган Б.Ў.Ҳамидовга тегишли бўлган 900.000 сўм миқдоридаги нақд пулларини ўғирлаб, Б.Ҳамидовга 900.000 сўм миқдорда зарар етказиб, ўғирлик жиноятини содир қилиб, воқеа жойидан яширинган.

Судда судланувчи **Вахобов Эльбин Вахидович** айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, у 2024 йил 19 ноябрь куни тушлик вақтида Бухоро шаҳрида жойлашган тўқимачилик бозори атрофидаги ошхоналардан бирида спиртли ичимлик ичиб, маст бўлиб қолиб, йўловчи такси автомашинасида “Марказий деҳқон бозори” олдида ўтувчи автомобиль йўли ёқасига келиб, у ердан Жондор туманига оқ рангли “Матиз” русумли автомашинада кейинчалик унга исми маълум бўлган Б.Ҳамидов келиб, бошқарувидаги автомашинасини тўхтатганлигини ва ундан қаерга кетиши ҳақида сўраганлигини, унга Жондор тумани, “Мирзаён” қишлоғига бориши кераклигини билдирганлигини, Б.Ҳамидов уни автомашинаси салонига ўтказиб, Бухоро тумани, “Шейхонча” МФЙ, Тор-тор маҳалла қишлоғи ҳудудида жойлашган “Ҳалол маркет” номли савдо дўконига қадар ҳайдаб бориб, автомашинасини тўхтатиб, дорихонадан дори олишини айтиб, автомашинаси салонидан тушиб кетганлигини, у маст ҳолатда бўлганлиги сабабли ҳайдовчи ўриндиғининг олд юқори қисмидаги куёш нуридан сақлашга мўлжалланган панелни очиб, у ерда турган 900.000 сўм миқдоридаги нақд пулларни олиб, автомашина салонидан тушиб кетганлигини кейинчалик у томонидан содир этилган ўғирлик ИИБ ходимлари томонидан аниқланганлиги сабабли Б.Ҳамидовга етказилган моддий зарар, яъни 900.000 сўм пулларни тўлиқ қайтариб берганлигини, содир этган жиноятини тўлиқ тан



олиши ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, унинг оилавий аҳволини инобатга олган ҳолда, қонуний енгиллик беришни сўради.

Судда жабрланувчи **Б.Ҳамидов** дастлабки терговда берган кўрсатувларини тасдиқлаб, у 2014 йил август ойидан буён Бухоро шаҳри ҳудудида ўзига тегишли бўлган давлат рақам белгиси 80X873СА оқ рангли “Матиз” русумли автомашинасида таксистлик фаолияти билан шуғулланиб келишини, иш куни эрталабки соат 07:00 дан, кечки соат 19:30 гача давом этишини, дам олиш кунисиз ишлашини ва ҳар куни кечаси шаҳардан уйига қайтиш вақтида “Марказий деҳқон” бозорига кириш дарвозаси рўпарасида жойлашган “Азамат” номли савдо дўкони олдида Жондор туманига кетадиган йўловчиларни олиб, уйига қайтишини. 2024 йил 19 ноябрь куни кечаси тахминан соат 18:50 ларда Бухоро шаҳрида жойлашган “Марказий деҳқон бозори” олдида ўтувчи автомобиль йўли ёқасидан доимий мижози Э.Вахобовни кўриб, уни автомашинаси салонига таклиф қилиб, қаерга кетиши ҳақида сўраганлигини, Э.Вахобов Жондор тумани, “Мирзаён” қишлоғига этиб қўйишини айтганлигини, у автомашинасини Бухоро тумани, “Шейхонча” МФЙ, Тор-тор маҳалла ҳудудидан ўтувчи автомобиль йўли орқали бошқариб, Жондор туманига қараб кетаётган вақтида уйдан телефон бўлиб, дори-дармон олиб келиши ҳақида айтишганлигини, шунда автомашинасини Тор-тор маҳалла қишлоғи ҳудудида жойлашган “Ҳалол маркет” номли савдо дўкони олдида тўхтатиб, ушбу дўкон ён томонидаги дорихонага кириб, ўзига керакли бўлган дориларни сотиб олиб, қайтиб келиб автомашина салонига ўтирганлигини, Э.Вахобов йўқлигини кўриб, атрофни кузатиб уни қидирганлигини, бироқ у йўқлиги сабабли салон ичидаги 3 кунлик ишлаб топган жами 900.000 сўм миқдоридаги пулларининг йўқлигини кўриб, ушбу пулларни айнан Э.Вахобов ўғирлаб кетган бўлиши мумкинлиги ҳақида ўйлаб, бу ҳақда ИИБ га хабар берганлигини, ИИБ ходимлари томонидан олиб борилган суриштирув ишлари жараёнида Э.Вахобовнинг 900.000 сўм миқдоридаги пулларини ўғирлаб кетганлигини аниқлашгани, Э.Вахобов унга 900.000 сўм миқдоридаги пулларни қайтариб, қилган ишидан пушаймонлигини ва спиртли ичимлик ичган маст ҳолатда ушбу ўғирликни содир қилганлигини айтиб, кечирим сўраганлигини, унга етказилган моддий зарар тўлиқ қоплаб берилганлиги сабабли Э.Вахобовга нисбатан даъво эътирозлари йўқлигини, унга нисбатан қонуний ёрдам беришни сўраб кўрсатув берди.

Суд мажлисига келмаган гувоҳлар М.Рахматов ва М.Сафаровнинг дастлабки терговда берган кўрсатувлари ўқиб эшиттирилганда судланувчи Э.Вахобов томонидан эътироз билдирилмади.

Суд давлат айбловчисининг хулосасини, Бухоро туман ИИБнинг 2024 йил 19 ноябрдаги 5726-сонли хабарномаси, 2024 йил 19 ноябрдаги ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган фотосуратлар (и.в.4-9), 2024 йил 21 ноябрдаги нарсани кўздан кечириш ва олиб қўйиш ҳақидаги (и.в.14), 2024 йил 25 ноябрдаги ашёвий далил деб эътироф этиш ҳақидаги қарор ва жабрланувчи Б.Ҳамидовнинг 900.000 сўм пулларни қайтариб олганлиги тўғрисидаги тилхати (и.в.30-31) ҳамда жиноят иши ҳужжатларида мавжуд бўлган бошқа инкор этиб бўлмайдиган далиллар билан тўлиқ исботини топган деб ҳисоблайди.



Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Э.Вахобовнинг ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилиб, ўғрилик жиноятини содир қилганликдаги жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Вахобов Эльбин Вахидовичнинг айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, етказилган зарарларнинг тўлиқ қопланганлигини ЖКнинг 55-моддасида назарда тутилган жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида баҳолаб, судланувчи Э.Вахобовнинг ҳаракатларида ЖКнинг 56-моддасида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар унинг спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳолда жиноятни содир қилганлигини, илгари ҳам қасддан жиноят содир этган шахснинг қасддан янги жиноят содир этиши айбини оғирлаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддаси 4-бандида давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги;

Суд, судланувчи Э.Вахобовга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда, унинг содир этилган жиноятининг ижтимоий хавфлилик даражасини эътироф этган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7,8-моддаларида кўрсатиб ўтилган одиллик ва инсонпарварлик тамойиллари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори талабларидан келиб чиқиб, судланувчининг айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, қилмишидан пушаймонлигини, етказилган моддий зарар қопланганлигини, оилавий ва моддий шароитини, қарамоғида қари ота-онаси ва 2 нафар фарзандлари борлигини, оиласининг ягона боқувчиси эканлигини ҳамда юқоридаги пленум қарорининг 3-банди, 37-бандига кўра иш бўйича жазони жиддий камайтирувчи ҳолатларни инобатга олиб, Э.Вахобовга нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, айбли деб топилган модданинг санкциясида белгиланган жазони энг кам миқдордан ҳам кам миқдорда озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни лозим деб топади.

Шунингдек суд, ашёвий далил деб топилган, судланувчи Э.Вахобовдан ҳужжатлаштириб олиган 900.000 сўм пулларни жабрланувчи Б.Ҳамидовга тилхат орқали қайтарилганлигини инобатга олишни ҳамда жабрланувчи Б.Ҳамидовга етказилган зарарларнинг дастлабки тергов жараёнида тўлиқ қопланганлиги ва жабрланувчи Б.Ҳамидовнинг судланувчи Э.Вахобовга нисбатан даъвоси йўқлигини инобатга олишни лозим деб ҳисоблайди.

Юқорида баён қилинганларга асосан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 462-463, 465-468, 471, 497¹-497⁴-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:



Вахобов Эльбин Вахидович (Vaxobov Elbin Vaxidovich), Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбдор деб топилсин.

Вахобов Эльбин Вахидовичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 2 (икки) йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Тайинланган жазо қаттиқ тартибли колонияларида ўтатирилсин.

Жазо ўташ муддати 2025 йил 11 мартдан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи Э.Вахобовга нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” эҳтиёт чораси аслича қолдирилсин.

Ашёвий далил деб топилган, судланувчи Э.Вахобовдан ҳужжатлаштириб олинган 900.000 сўм пуллар жабрланувчи Б.Ҳамидовга тилхат орқали қайтарилганлиги инобатга олинсин ҳамда жабрланувчи Б.Ҳамидовга етказилган зарарларнинг дастлабки тергов жараёнида тўлиқ қопланганлиги ва жабрланувчи Б.Ҳамидовнинг судланувчи Э.Вахобовга нисбатан даъвоси йўқлиги инобатга олинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб ўн сутка ичида, судланувчи ва жабрланувчи эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, шу муддат ичида ушбу суд орқали Бухоро вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг кассация тартибида шикоят беришга, прокурор эса протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

З.Шаропов

